

5. 900. 000 ТОННА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ТАЙЁР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 265 (4960)
25 НОЯБРЬ 1982 й.
ПАШАНЕБА
Газета 1986 йил
1 июлдан чиза бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Учинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

23 ноябрь соат 16 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очилди. Депутатлар КПСС Марказий Комитети Сийёси бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко бир овоздан Иттифоқ Совети ташқи

ишлар комиссиясининг раиси қилиб сайландилар. Иттифоқ Совети янги тузилган энергетика комиссиясини тасдиқлади. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти М. В. Ломоносов номидаги МДУ ректори А. А. Логунов комиссия раиси қилиб сайланди.

Иттифоқ Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Г. И. Васьченко 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва 1982 йилги план қандай бажарилаётганини тўғрисида, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ҳақида ва 1981 йилги бюджет-

нинг ижроси тўғрисида доимий комиссияларнинг қўшимча докладини қилди. У, жумладан, планининг асосий топшириқлари ва халқ хўжалик пропорциялари умуман КПСС XXVI съездининг йўл-йўриқларига мос келади, деди.

(Давоми 2-бетда).

Депутат У. У. УМАРОВ нутқи

(ТОШКЕНТ—ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ)

Хурматли депутат ўртоқлар! Биз КПСС билан Совет давлатининг атоқли раҳбари, Ленин ишнинг содиқ давомчиси, замонамининг энг йирик сиёсий арбоби, тинчлик, демократия ва социал тараққиётнинг улғу жарчиси Леонид Ильич Брежнев билан видолашган қайғули ноябрь кунлари бутун партиянинг, бутун совет халқининг хотирасида абадий сақланиб қолади.

Меҳнат коллективларида бўлиб ўтган мотам митингларида коммунистлар, барча меҳнаткашлар чуқур қайғу ва мусибат аламини изҳор этдилар. Ўз сафарини жонажон Коммунистик партия, Ленинчи Марказий Комитет, КПСС Марказий Комитетининг Сийёси бюроси теварагида янада маҳнамроқ, янада кучлироқ жиқлаштиришга яқинлашиб келиш ваъда бердилар. 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани билан Давлат бюджетининг партиянинг шу сессия афрасида бўлиб ўтган Пленуми принципал муҳим йўл-йўриқлари ва қарорларининг бевосита, самарали тасдиқи остида кўриб чиқаётган СССР Олий Совети сессиясининг бутун иши мана шу жиқлиқнинг яна бир далили бўлди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг шу Пленумда нутқида мамлакат халқ хўжалигини ҳозирги босқичда ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари чуқур ва батафсил анализ қилинди, бу масалаларни ҳал этишнинг конкрет амалий программаси белгиланди. КПСС Марказий Комитети Пленуми ўртага қўйган вазифалар партиянинг Ленинчи донолигини ва мамлакатимиз тақдирини учун юксак масъулиятини янги куч билан кўрсатиб турибди, совет халқининг туб манфаатларини йифолайди, меҳнатда янги зафарларга руҳлантиради.

Беш йилликнинг учинчи йили учун мўлжалланган план ва бюджетнинг бизнинг муҳомамаиғизга тақдим этилган лойиҳалар мамлакатимизнинг иқтисодий ва муҳофа қудратини янада мустаҳкамлашга, совет кишиликнинг моддий ва маънавий ахтиёрларини янада тўла-тўқис қийратишга, барча иттифоқдош республикалар экономикаси ва маданиятини янада раппақ топширишга қаратилган.

Бутун Ўзбекистон, шу жумладан Тошкент меҳнаткашлари ҳам партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлигини доимо ҳис этмоқдалар. Бу ғамхўрлик республика меҳнаткашларини ва тошкентликларини янги бунёдкорлик ишлари ва ривожлантиришда, план ва мажбуриятларни тўла ҳамада ошириб бажаришда уларнинг куч-ғайратлари ва ташаббусларини янада оширмоқда.

Шаҳар меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун со-

циалистик мусобақани авж олдириб, саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини мўддатидан илгари 25 октябрда бажардилар. Маҳсулотни кўпайтиришнинг қарийб 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Бу йил шаҳар қурувчилари кўп миқдордаги янги саноат-ишлаб чиқариш ва социал-маданий объектларни, 650 миң квадрат метр ҳажмдаги уй-жой биноларини фойдаланиш учун топширдилар. Транспорт, алоқа корхоналарининг, лойиҳа, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг коллективлари белгиланган ҳамма топшириқларини барвақт бажардилар.

Тошкентликлар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми ўртага қўйган вазифаларни бажаришнинг Озиг-оват программасини амалга оширишда катнашиши ўз бурчи, ўз вазифаси деб билдилар. Шаҳар республиканинг аграр-саноат комплексини барпо этишда актив иштирок этмоқда.

Бу ишда қатнашишнинг формалари жуда кўп. Қишлоққа замонавий қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш ҳам, унга бевосита оғуриқ ёрдами кўрсатиш ҳам, ўз ем-хашак базасига эга бўлган йирик чорвачилик комплексларини жадаллик билан қуриш ҳам, озиқ-оват маҳсулотлари еттиштириш ва аҳолининг шу маҳсулотларга қулайлик ахтиёрларини қондириш билан боғлиқ бўлган саноат тармоқларини янада ривожлантириш ҳам, ҳозир шаҳардаги 150 та саноат корхонаси ишлаб чиқараётган ва шу маҳсулотлар жами миқдорининг 80 процентига борадиган халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам шу формалар жумласига кирди. Тошкентликлар ўзининг беш йилликнинг бир ўзига 5 миллиард 290 миллион сўмлик мана шундай молларни етказиб бердилар.

Ҳозирги беш йиллик шаҳарни ривожлантиришнинг янги босқичидир. Бу беш йиллик — шаҳарнинг индустриал потенциалини янада кучайтириш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ва маънавий савиясини ошириш беш йилликдир. Ўзбекистон пойтахтининг қиёфаси йил сайин ўзгармоқда, янги-янги уй-жой массивлари, микро районлар вужудга келмоқда. Тошкент метрополитенининг биринчи йўли қуриб битказилди ва иккинчи йўли жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. Владимир Ильич Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, «Москва», «Ўзбекистон» меҳмонхоналари, Кино уйи ва бошқа кўпгина замонавий иншоотлар шаҳарнинг ҳуснига хусн қўшди.

Мақтаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар қурилиши йил сайин кенгаймоқда. Бу йил соғлиқни тиклаш мақсадида даволовчи катта касалхона, медицина

институтининг даволаш корпуси ва бошқа соғлиқни сақлаш объектлари ишга туширилди.

Бутун республика каби шаҳарда ҳам уй-жой биноларини кооператив асосида қуриш кенгаймоқда. Бу йил шаҳар аҳолиси кооператив маблағлари ҳисобига жами саҳни 1980 йилга нисбатан 75 процент кўп уй-жой олади.

Шаҳарнинг ҳамма муваффақиятлари — КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати доимий ғамхўрлигининг натижасидир. Мана шу Ленинчи ғамхўрлик, халқларимизнинг бузилмас дўстлиги ва уларнинг аўр беғараз ёрдами Тошкентни юксак даражада ривожланган индустрия ва катта илм-фан шаҳрига, мамлакатнинг салмоқли маданият марказларидан бирига айлантирди, бу ерда ёзувчиларнинг, кинематографларнинг, ҳамда маданият ва илм-фан бошқа соҳалари намояндларининг катта-катта халқаро анжуманлари ўтказилмоқда.

Шаҳарни социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш бир қанча вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ. Тошкент — аҳолининг ўсиши энг юксак даражада бўлган шаҳарлардан биридир, бу ўсиш мамлакатдаги ўртача даражадан уч баравар юқори. Табиийки, аҳолининг тез ўсиши уй-жой ҳамда бошқа социал-маданий ва маиший объектлар қурилишини кенгайтиришни жуда актуал вазифа қилиб қўлди. Бундан ташқари, шаҳар актив зилзила зонасида жойлашган, энди унинг чега-расини кенгайтирадиган майдон қолмади. Бизнинг сугуриладиган деҳқончилик шароитида, ер ресурслари чекланган шароитда халқ бойлиги — ернинг ҳар квадрат метри айниқса қадридон, айниқса зарурдир.

Мана шуларнинг ҳаммаси шаҳарнинг қурилиш индустрияси базасини жадал ривожлантиришни бош вазифалардан бири қилиб қўлди. Ҳозирча қурилиш индустрияси замонавий талаблардан оғуриқ қолмоқда. Бизнинг уй-жой ва коммунал хўжаликнинг тур-беш каватли бинолар қуришни мўлжаллаб лойиҳалаштирилган эди. Ҳозир, ҳам бу қурилишнинг асосий тури бўлиб турибди. Шу сабабли бизнинг шаҳаримиз шароитида банд иморатлар қуриш — уй-жой проблемасини ҳал этишнинг имкони бор бирдан-бир ва энг тўғри йўлидир.

Бу — жуда актуал проблемадир. Жами уй-жой қурилишининг 75 процентга бўлган қисми банд иморатлар вариантда амалга оширилиши керак. СССР Граждан қурилиши Давлат комитети бизнинг бу борадаги тақлифларимизни маъқуллади. Шу муносабат билан заводларимиз ва комбинатларимизни реконструкция қилиб, уларни банд иморатлар қурилишига мослаштириш зарурати аллақачон етилган. Бунинг учун эса қўшимча ресурслар ва маблағлар акратилиши за-

рур. Бинобарин, биз СССР Госпланига, СССР Госстройга мурожаат қилиб, ҳам иқтисодий, ҳам социал жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган шу масалани ижобий ҳал этиб беришларини сўраймиз.

Уй-жой қурилишининг юксак суръатларига қарамай, аҳолини шинам уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳали ҳам ҳал этилгани йўқ. Тошкентда ёшлар кўп, шу муносабат билан мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари қуриш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун ҳамма шароитларни яратиш биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Республика ва шаҳар партия ташкилотлари бу ҳақда алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шаҳардаги демография вазиятининг хусусиятларини эътиборга олиб, уй-жой проблемасини ва бошқа социал вазифаларни Марказий Иттифоқ органлари ёрдамидагина ҳал этиш мумкин. Бунда Электр-техника саноати министрлиги, Енгил саноат министрлиги ҳамда бошқа Иттифоқ министрликлари ва идоралари катта ёрдам беришлари мумкин, чунки уларнинг корхона ва ташкилотларида шаҳарнинг ўн миңга аҳолиси меҳнат қилмоқда.

Шаҳарнинг коммунал хўжалигини ривожлантириш — навбатдаги муҳим проблемадир. Марказий суъ таъминоти, иситиш, канализация масалалари айниқса кўндаланг бўлиб турибди. Аммо, шу мақсадлар учун ажратилган капитал маблағ йил сайин қисқартирилмоқда. Уй-жой қурилишига акратилган капитал маблағининг умумий ҳажмида бу маблағларнинг улуши ўзининг беш йилликнинг биринчи йилига нисбатан 16,5 процент қисқартирилди. Умуман республикада шу масалаларнинг ҳал этилиши бундан ҳам ёмонроқ аҳволга тушиб қолди. Шу сабабли биз СССР Министрлар Советига мурожаат этиб, шу масалаларни махсус равишда кўриб чиқиш, ҳал этишни илтимос қиламиз.

Ўртоқлар! СССРнинг 1983 йилги Давлат плани ва бюджетининг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини бажаришда янги муҳим бўлиб қолади. Шу план ва бюджетни СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари киритган тузатишлар ва тақлифларини ҳисобга олиб тасдиқлаш тўғрисидаги тақлифни тўла-тўқис қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг социал-иқтисодий вазифаларини, коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун ўларнинг бутун кучлари, бутун ғайратлари ва ижодий ташаббусларини ишга соладилар, деб КПСС Ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Советига ваъда беришга ижозат этгайсизлар. (Қарсақлар).



ЛЕНИН ЙЎЛИДАН— ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

Тошкентликлар КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Бизнинг муҳим вазифаларимиз

Биз КПСС Марказий Комитетининг Москвада бўлиб ўтган навбатдаги Пленуми материалларини эътибор билан ўргандик. Шу материалларда партиянинг мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришга, совет халқининг фаровонлигини оширишга, ер юзида тинчликни

мустаҳкамлашга қаратилган асосий йўналиш аниқ белгилаб берилган.

Партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлиги самараларини биз доимо ҳис қиламиз. Масалан, бизнинг коллективимизда юзлаб кишилар ҳар йили янги квартираларга кўчиб қирмоқда, касабасоюзнинг имтиёзли

йўлланмалари билан ва мамнуният билан қайд этилади. Ўртоқ Ю. В. Андропов панлар ҳақда катта-катта харажатлар ва ишлаб чиқариш чимқилари эвазига бажарилмоқда, ҳали шундай хўжалик раҳбарлари борки, улар Леонид Ильич-

Бирлашма цехларида асбоб-ускуналар доимо янгиланмоқда

лаётганликларини, барча куч-ғайратларини социалистик Ватанинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини кўпайтириш учун сарфлаётганликларини маълум қиламан.

М. ТЕШАБОВЕВ, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси автомат цехининг соловчисини, Ленин ордени кавалери.

Планларнинг реаллиги— Ўзимизга боғлиқ

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида ҳар бир совет меҳнатнашини гоё тўқинлантирувчи масалалар муҳокама қилинди. Экономикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва шу

асосда совет кишиларининг фаровонлиги муттасил юксалишига эришиш борасидаги ишларни давом эттириш белгила олинди.

Биз Пленум қарорларини тамомла қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш билан бирга масалаларни муҳокама қилишга чуқур партиявий, принципал ёндашилаётганлиги н мамнуният билан қайд этилади. Ўртоқ Ю. В. Андропов панлар ҳақда катта-катта харажатлар ва ишлаб чиқариш чимқилари эвазига бажарилмоқда, ҳали шундай хўжалик раҳбарлари борки, улар Леонид Ильич-

нинг экономика тежамли бўлиши керак, деган чуқур маънавий сўзларини бажонидил тақдорлаб, амалда шу вазифани ҳал этиш учун тузукроқ бир иш қилётганлари йўқ, деб жуда тўғри айтиди.

Курувчиларнинг ўзларида ҳам айб бор — бунини яширмаслик керак. Кўпинча объектларда зангланган, эгрини бурги амуруларни стержизларини, палачини кесилган металл қолдиқларини учратиш мумкин. Мана шунларга аллақачон

барҳам бериш керак. Ю. В. Андропов Пленумдаги нутқида: «Энгилликда тежамкорлик, халқ бойлигини нисбатан омондорлик билан муносабатда бўлиш планларимизнинг реаллиги тўғрисидаги масалалар» деб мутлақо тўғри гапни айтди.

М. ХАБИБУЛЛАЕВ, «Висотстрой» қурилиш трести монтажчиларининг бригадирини, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ДАЪВАТИ, КАЛЬАМРИ БИЛАН

Эртага Тошкентдаги Киночилар уйида Ўзбекистон ижодий союзларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма пленуми очилади


Республикамиз ижод аҳли барча меҳнаткашлар қатори мамлакатимизнинг шонли юбилейига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Замондошларимизнинг бой маънавий оламини очиб берадиган, уларнинг турли жаҳалардаги қаҳрамонона меҳнатини улғулайдиган, гоёвий ва бадий жиҳатдан етук асарлар яратмоқда. Бу ишга ижодкор ёшларимиз ҳам самарали улуш қўшаптилар.

Яқинда 1982 йили Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомолу мукофоти лауреатларининг номлари эълон қилинди. Улар орасида адабиётимиз

ва санъатимизнинг навқирон авлодига мансуб бўлган бир гуруҳ ижодкорлар бор.

Маданиятимизнинг етакчи арбоблари ҳақида ҳикоя қилувчи «Ижодий мулоқот» фотоочерки уларни ижод силралари ҳақида ўзаро қизғин суҳбат ва изланиш давларида акс эттирган.

Юксак мукофотга сазовор бўлган бу ёшларнинг ҳозирги фаолияти, ёрқин асарлар яратиш йўлидаги изланишлари, келгусидаги режалари ҳақидаги материаллар билан газетамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз.



1. Ижодий мулоқот

(Объективда —
Ўзбекистон маданияти намояндалари).

